

“АРМИЯ АВИАЦИЯСИННИГ ЖАНГ УСУЛЛАРИ ТАЖРИБАСИДАН”

*подполковник З.М.Мавланов
ЧОТҚМБЮ – ЗРК ЖҚ кафедрасы
үқитувчиси*

Вертолётларнинг бугунги кундаги такомиллашувига қўп йиллик жанговар ҳаракатлардаги тажрибалар асос бўлди.

1951 йилдан бошлаб маҳаллий урушларда вертолётлардан фойдалана бошланди. Корея, Вьетнам, Миср, Лаос, Тунис, Конго, Уммон, Форс кўрфазида бўлиб ўтган урушлардаги авиациянинг қўлланилиш тажрибаларининг таҳлили муҳим топшириқларни бажариш жараёнида вертолётларнинг аҳамиятини ошиб борганлигидан далолат беради.

Илк бор америкаликлар Кореядаги жанговар ҳаракатларда вертолётдан ҳаво десантларини туширишда фойдаланишган. Кейинчалик вертолётлар жанг майдонини қузатишда ва душманнинг ердаги нишонларини яксон қилишда, қуруқликдаги қуролли кучлар ҳужуми манфаати учун ҳаракатда, алоқани таъминлашда, бундан ташқари, вертолётлар уриб туширилган экипажларни қутқаришда, ярадорларни кўчиришда, юқ ва шахсий таркибни ташишда ҳамда бошқа маҳсус топшириқларни бажаришда қўлланилган.

Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, душманнинг ҳаво кучларини забт этишдаги операцияларда “Апач” типидаги жанговар вертолётлар катта муваффақиятлар билан қўлланилган.

Жанговар вертолётларнинг қўлланилиш тажрибаси шуни кўрсатадики, барча жанговар ҳужум ҳаракатларида 4-12 вертолётларнинг жойнинг

рельефини инобатга олган ҳолда тўсатдан гурух бўлиб ҳужум объектига чиқиши қузатилади.[1]

Объектларга зарба бериш одатда 1 дақиқадан 8 дақиқагача вақт оралиғида қисқа ва энг қисқа баландликдан амалга оширилган. Вертолётлар кичик гурух бўлиб ҳаракатланиб, оз куч билан узоқ вақт объектларга ҳаводан таъсир

ўтказишган. Жанговар вертолётлар қуруқликдаги кучлар ҳужуми манфаати учун муваффақият билан ҳаракатланишган, душманнинг ердаги нишонларни яксон қилишган, ўз қўшинларига чўлларда ҳаракат йўналишларини кўрсатишган, Ироқ ва Афғонистонда синалгандек, ҳаво разведкасини олиб борганлар. Вертолётларнинг аҳамиятга молик жанговар хусусияти Форс кўрфазида олиб борилган ҳаракатларда ёрқин ифодасини топди.

Шуни таъкидлаш жоизки, Ироқ урушининг дастлабки кунларидаёқ, иттифоқчи кучлар авиация техникаси ва шахсий таркибининг жанговар ҳаракатларга тайёргарлигининг сустлиги туфайли жуда қўп микдорда вертолётлар йўқотилди. Ироқдаги уруш АН-64 “Апач” жанговар вертолётлар учун жанг маҳоратини синаш майдони бўлди. Ироқقا қарши жангда танк бўлинмаларини яксон қилиш учун А-10А, АН-64 жанговар учувчи аппаратлари биргаликда жанг олиб борди.



Самолёт ва вертолётларнинг ҳамкорликдаги фаолиятини куйидагиларда кўриш мумкин. Разведкачи самолёт, зенит воситалари етмайдиган баландликда учган. Вертолёт гурухи эса, душманнинг ердаги нишонларини аниклаб. унга қарши зарба берган. Самолёт гурухи панараб учиб қўриқлаш худудидан чиқиб, кузатилаётган объект ҳақидаги керакли маълумотларни кўлга киритгач, объектга яқинлашган. Бомбардимон зарбалардан сўнг, самолёт гурухи яна такроран разведкани давом эттирган. Бу вақтда вертолёт гурухи самолёт гурухини разведкани охирига етказиб олишлари учун уларни ҳимоялаб турган. АҚШ нинг авиация армия бўлинмалари ялпи кучлар сафарбарлигини юқори даражада эканлигини намойиш этишди.

Охирги ўн йилликдаги урушлар ва жанговар тўқнашувлар таҳлили шуни кўрсатадики, куролли жангларни янги сифатли даражага кўтарилишида авиация ва турли мақсадларга мўлжалланган вертолётлар муҳим роль уйнайди.

Чет эл экспертлари вертолётларнинг маҳсус бўлинмаларни ёриб ўтишдаги, террористик ва бошқа куролли тузилмаларга қарши фаолиятидаги, душман худудидаги маҳсус операцияларни амалга оширишдаги, шунингдек, берилган топшириқларни бажариш жараёнида маҳсус тузилмалар фаолиятининг таъминотидаги ўрнига асосий эътиборни қаратишади. Шу жумладан, вертолёт бўлинмаларининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат бўлиши мумкин:

маҳсус, партизан ва бошқа номунтазам куролли тузилмаларни ташкиллаштиришда қидиув-разведка ишларини олиб бориш;

маҳсус тузилма шахсий таркибини душман ортига олиб чиқиш ва топширилган вазифани бажариб бўлгач, уларни эвакуация қилиш (кўчириш);

тўлиқ ёки қисман душман назоратидаги, шунингдек, кўршовдаги ёки асосий кучлардан бўлинган ҳолатдаги маҳсус тузилма, партизан ва бошқа номунтазам куролли тузилмалар фаолиятини ва жанговар қўлланилишини таъминлаш;

террористик, кўпорувчи-разведкачи тузилмалар ва бошқа ноқонуний куролли тузилмаларни қидириш, кўршовга олиш ва йўқ қилиш;

қидиув-қутқарув чора тадбирларини амалга ошириш, шунингдек, қўшилма, қисм ва бўлинмаларнинг қўршовдан чиқишига ёрдам қўрсатиш, ҳарбий асиrlарни излаб топиш ва қутқариш, отиб туширилган самолёт ва вертолёт экипажларини эвакуация қилиш;

терроризмга қарши курашдаги ҳаракатларда қатнашиш, шунингдек, гаровга олинганларни қутқариш, террорчилик актларини бартараф этиш, террористик гурух ва ташкилотларини қидириб топиш ва уларга барҳам бериш, уларнинг базасини йук қилиш;



кенг диапазонли частоталардаги телекүрсатувлар ва радио орқали куролли кучларнинг шахсий таркиби ва аҳоли онгига информацион-психологик таъсири бўйича тадбирларни олиб бориш;

наркобизнесчилар билан курашлардаги ҳаракатларда қатнашиш, шунингдек, наркотик олиб ўтиладиган йўлларни қидириб топиш ва наркотик олиб ўтилишига тўсқинлик килиш, наркомафия базаси ва наша экиладиган майдонларни топиш ва яксон қилиш;

табиий оғатлар туфайли келтирилган талофатларни бартараф этиш, шунингдек, ахолига гуманитар ёрдам бериш.

Шундай топшириқлар Вьетнамдаги ҳарбий-транспорт самолёт ва вертолёт экипажлари томонидан кўп маротаба бажарилган. Аммо вертолётлар кичик ҳаракат радиусига эга эдилар, шунингдек, улар топшириқларни қўшимча ёнилғи қуймасдан бажарилишини мураккаблаштиради.

Шунга қарамасдан, вертолётлар ёрдамида ҳаво десантлари туширилиши ҳақида қарор қабул қилинди, ёнилғи этишмаслик муаммосини эса авиагурух таркибига қўшимча ёқилғи қуювчи самолётларни қўшишди.

Мутахассислар Хинду Хитойдаги уруш тажрибасига таяниб, вертолётларни ҳавода қўшимча ёнилғи билан таъминланишига қарор қилишди.

Бироқ, Ироқ ҳудудида вертолётларни ерга қўнилган ҳолатда қўшимча ёнилғи билан таъминланиши маъқул деб топилди, бу эса ўз навбатида операцияни мураккаблаштиради, чунки, вертолётларни ва қўшимча ёнилғи ташувчи авиацияни ерга қўниши учун мос майдонни топиш зарур эди, лекин, уларни шу ҳудуд табиий-климатик хусусиятидан келиб чиқиб учраштиришга келишиш ҳам зарур эди. Вертолёт турини танлаш эса талаб қилинган фойдали юқ массаси, ҳаракат радиуси ва чидамлилигидан келиб чиқкан ҳолда амалга оширилган.[1]

Таъкидлаш лозимки, Ироннинг табиий-климатик шароити таъсири ва вертолётларнинг куч қурилмасининг чидамлилиги нуқтаи назаридан вертолётлардан фойдаланиш шарти режалаштирилган ҳаракатларни амалга ошириш шартларидан кескин фарқ қиласади. Шунга қарамасдан, двигателнинг ҳаво деворидаги фойдали кучни “емирувчи” чангдан ҳимоя қурилмасини олиб ташлашга қарор қилинди, бу эса вертолётнинг учиш давомийлигини сунъий равишда узайтиради.

Лекин, ҳеч ким қум бўронлари пайтида бу узайтирилган механизм вертолётнинг куч қурилмаси чидамлилик даражасини тушириб юборишига эътиборни қаратмади.

Вьетнамдаги тунда паст-баландликда нотаниш ҳудудда учиш тажрибасига таянган ҳолатда вертолёт экипаж аъзоларини танлашда айнан қидирув-қутқарув вертолётлар учувчиларини жалб қилиш мақсадга мувофиқ деб топишли. Вертолётларнинг паст-баландликдаги гурух бўлиб учиш тайёргарлик машқларида учувчилар қобилияти суст эканлиги аён бўлди.

Жанговар ҳаракатлар пайтида ҳам бир қатор қўпол хатоларга йўл қўйилди. Ироннинг қирғоқ чегараси туташ чизигида вертолёт гурухи қуюқ

туман ичиди қолди, кейин кучли қум бўронига дуч келди, бу эса экипажлар ўртасидаги визуал алоканинг узилишига олиб келди, топширилган йўналишдан чиқиб кетишди ва белгиланган нуқтага ўз вақтидан бир яrim соат кеч қолиши.

Афғонистондаги чекланган контингентли (таркибли) совет армияси жанговар ҳаракатлари тажрибаси шуни кўрсатдики, вертолётчиларнинг асосий вазифаси ҳаво десантларини душманлар кузатувида бўлган қишлоқлар, йўллар, алоқа тугунлари яқинига кузатиб қўйишдан иборат эди.



Бу жанг ҳаракатларида МИ-24 русумли жанговар вертолётлари МИ-8 ва МИ-6 русумли транспорт вертолётларини кўниши учун душман ўт очиш истеҳкомларини бомба ва ракеталар билан яксон қилиши.

Вертолётларнинг асосий вазифаларидан бири, бу автоколонналарни кузатиш, карвонларни қидириб топиш ва яксон қилишдан иборат. Шундай ҳаракатлар МИ-24 ва МИ-8 вертолётлар гуруҳи томонидан ҳам амалга оширилган. Топилган карвонни МИ-8 маҳсус гуруҳ келгунга қадар тўхтатиб турилган. МИ-24 вертолётлари аниқланган карвонни яксон қилиш учун юборилган маҳсус вертолётлар гуруҳини кўриқлаш мақсадида ҳаво назоратини олиб борган.[1]

Вертолётларнинг яна мураккаб вазифаларидан бири душман қаттиқ назорати остидаги довонлар ва йўллар орқали бориладиган тоғ мудофаа сокчилар постларини таъминоти бўлган.

Вертолётларни тоғ худудида қўниши учун майдонларнинг кичиклигидан ташқари тоғ олди шамоллари ҳам ҳалақит берган. Юк ташувчи вертолётларнинг вертолётларнинг баландликка кўтарилиши осон бўлиши учун ўриндиқлар ва юк ортиш бўлинмасидан баъзи бир ускуналар, зирҳ плиталари, илгаклар, рампалар, куроллар олиб ташланган.

Агар қўниш майдончаси вертолётларнинг қўниши учун нокулай бўлса, юк ортиш ва тушириш жараёнида олд ғилдираклар мувозанати сақланиб вазн ушлаб турилган.

Шундай ҳолатлар ҳам бўлганки, баланд тоғ майдончасидан ҳавога кўтарилиш жараёнида вертолёт одатдигидек уча олмаган. Бундай ҳолатлар учун қулаш усули ишлаб чиқилди, бу усул бўйича вертолёт пастга қулаш ҳолатида бўла туриб, етарлича тезлиқда горизонтал учиш ҳолатига ўтиб олган. Масалан, МИ-8 вертолётининг экипажи шу усул билан тоғ чўққисида куршаб олинган 30 нафар одамларни қутқаришга муваффақ бўлган.

Шуни таъкидлаш жоизки, айнан Афғонистон вертолётларда қидирав, жанговар ҳаракатлар ва тактик усувларни такомиллаштириш мақсадида маҳсус ҳаракатларни қўллаш майдонига айланди. Масалан, МИ-8 вертолёти экипаж командири душманлар қуршовидан қишлоқдан разведкачи гуруҳни олиб чиқиб кетиш пайтида, яrim осилган, олд оёғига таянган ҳолатда

вертолётни ғилдирак устида “айлантиради” ва борт қуролидан душманни ўққа тутади.

Шимолий Кавказдаги террористик гурухларга қарши олиб борилган ҳаракатлар вертолётларнинг жанговар қўлланилиш тактикасининг такомиллашувдаги янги қадам деб қарашиб мумкин.

Нотекис тоғ олди ҳудудларда олиб бориладиган жанговар ҳаракатларда вертолётларнинг жуфт ёки якка ҳолатдаги учиш имкониятлари тўлиқ намоён бўлмайди, чунки бу ўз ўрнида экипажлардан жуда катта матонат ва жасурликни, зийракликни талаб этарди. Масалан, 2002 йил август ойида Итум-Қалин ғорида ўрнашиб олган душман жанговар гуруҳини кўршовга олиш мақсадида, ҳаво десантларини ерга муваффақиятли қўндириш ва улар ҳужумидан ҳимоя қилиш учун авиация зарбасини бериш бўйича ҳаракатлар олиб борилди. Душман жуда тор дарада жойлашганлиги сабабли, фақат бир тарафлама зарба бериш мумкин эди. Шунга қарамасдан, МИ-24 русумли вертолётлар жуфтлиги бортида ҳаво десантлари жойлашган МИ-8 русумли вертолётларни қўниши учун ракета зарбалари билан душмандан ҳимоя қилишди. Лекин МИ-8 вертолётларидан бири десантларни қўндираётган пайтида зарбага дуч келади. Ми-8 вертолёти қўнишга мажбур бўлганини кўргач, МИ-24 вертолёти дарага пастлаб учиб, душманга ракета зарбаларини бериб десантлар қўнишига ёрдам беради ва МИ-8 экипажини эвакуация қилинишини таъминлайди.

Шали аҳоли пунктидаги миналаштирилган майдонга тушиб қолган 16 разведкачиларнинг кутқарувини яна бир бошқа мисол тариқасида келтиришимиз мумкин. Майдон миналаштирилган бўлганилиги учун вертолёт қўна олмади, шунинг учун разведкачиларни маҳсус мослама орқали вертолёт бортига кўтариб олиб чиқишиди.

Тажрибадан кўринадики, қалин ўсимликлар маҳсус мосламани ерга тушишига ҳалақит беради. Шунда экипаж командири дарахт шоҳларини МИ-8 вертолёти фюзеляжи билан синдиришга ва шу орқали ерга яқинлашишига қарор қиласди. Дарахтларнинг синган учли қисми ҳар дақиқада вертолёт учиш қурилмасини ишдан чиқариши мумкин эди. Лекин, вертолёт бу хавфли ҳудуддан разведка гуруҳини олиб чиқишига муваффақ бўлди.

Афғонистонда тадбиқ этилган юк ва жанговар вертолётларни ҳамжихатликдаги фаолияти ҳозирги кунда ҳам қўлланилмоқда.

Душман томонидан уч кун давомида қамалда бўлган ўн бир маҳсус бўлинма аскарларини эвакуация қилишни ҳам МИ-8 вертолёт экипажи амалга ошириди, уларни эса душман ҳужумидан Ми-24 вертолётлар жуфтлиги ҳимоя қилди. Бу ҳолатда ҳам вертолётни ерга қўниш майдони бўлмаганлиги сабабли, маҳсус бўлинма аскарларини мослама ёрдамида вертолёт бортига олиб чиқишиди, бу пайтда МИ-24 вертолётлари душманга ҳаво зарбалари бериб турди. Таяқидлаш жоизки, Шимолий Кавказдаги жанговар ҳаракатларда маҳсус операцияларнинг юқори натижа билан ўтишига ҳалақит берган бир неча жиддий камчиликлар бор эди.

Булардан асосийси, ҳамкорликда ўтказилган ҳаракатларда қисм ва бўлинмалар ўртасидаги ҳамжиҳатлик ва келишувнинг йўқлиги эди. Шундай ҳолатлардан бири 2003 йили февраль ойида Тазен-Қалъа аҳоли пунктида ўтказилган махсус операциядир, бунда Қора денгиз ҲҲҚ авиагурух вертолётларига пистирмага тушиб қолган денгиз пиёдаларини қутқаришда ҳимоя вертолётлари ёрдам бера олмаган эди. Бўлиб ўтган воқеанинг асосий сабаби, Хонқалъа авиаотрядларини қўмондонлик билан келишилган ҳолдаги ҳаракатларининг сустлигига эди. Қоғозбозлик, ҳаддан ташқари ўз имкониятларига юқори баҳо бериш, МҲ, МВ, ИИВ бўлинмаларида юқори малакали авиамутахассисларининг етишмаслиги Шимолий Кавказда олиб борилган терроризмга қарши ҳаракатларда яққол намоён бўлди. Шу билан бирга, ИИВ бўлинмаларидаги штатсиз авиамўлжалга олувчиларнинг касбий маҳоратини етишмаслиги авиацияни жангнинг ноқулай вазиятларида юқори аниқликдаги мақсадни қўзлаш маҳоратини сустлигига олиб келди.

Афғонистондаги жанглар мисолида шуни таъкидлаш лозимки, ҲҲҚ бўлинмалари ва ҲҚҲВ авиация қуролли кучларининг ягона кодлаштирилган учиш хариталарининг йўқлиги вертолётларнинг душман нишонларини топиш ва жанговар учувчи аппаратларнинг зарба бериш маҳоратини уйғунлаштирган ҳолда жанговар ҳаракатларни ҳамкорликда ташкиллаштириш имконини бермайди.

Қўпорувчи-террористик гуруҳларга қарши янги жанг усуулларининг пайдо бўлиши, шунингдек, вертолётларнинг гаровга олинганларни озод этиш бўйича жаҳон тажрибаси, террорчилик актларини олдини олишда, наркотик моддаларнинг тарқатилишида ва контрабандасида, фавқулодда ҳолатларни бартараф этиш ва аҳолига гуманитар ёрдам беришдаги ўрнини таъкидлаган ҳолда, уларни махсус ҳаракатлардаги ўрнини ҳам яна бир бор кўриб чиқишина тақозо этади.

Шундай қилиб, Ироқдаги, Афғонистондаги, Шимолий Кавказдаги чет эл ҳарбий ҳаво кучларининг жанговар ҳаракатларини таҳлил қилиб қуйидаги хуносага келиш мумкин:

Ироқдаги, Афғонистондаги, Шимолий Кавказдаги ҳаракатлар вертолётларнинг жанговар ҳаракатларда шубҳасиз муҳим ўрин тутишини намойиш этди;

бир тарафдан, қуруқликдаги жанг воситаларининг самарадорлиги вертолётларнинг қўлланилиш самарадорлигига боғлиқ бўлса, бошқа тарафдан вертолётлар душман қўшинлари учун илк бартараф этиш зарур бўлган ҳаво кучларига айланди.

Ироқ, Афғонистон ва Шимолий Кавказдаги ҳаракатлар оғир об-ҳаво шароитида ҳаво кучларининг жанговар топшириқларни бажаришдаги тайёргарлигини синабгина қолмасдан, хатолар устидан ишлаш учун жиддий ёндашишни талаб этди.[1]

АДАБИЁТ

1. WWW publishing group.ru